

ТОШКЕНТ

Оқшом

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 207 (6. 696)

1988 йил 9 сентябрь, жума

Баҳоси 3 тийин

Тонги газеталарда

«Қайта қуриш: тажрибалар адреси» рубрикаси остидаги «Хавф-хатарга қарши» мақолада «Правда» газетаси ўзбекистоннинг иқтисодий моделини жорий этишга ҳозирлик қилаётган мураккаб ишларнинг тажрибаларини ҳақида ҳикоя қилади.

Газетанинг туртинчи саҳифасида генерал-полковник Д. Волкогоновнинг «Зафар ва Фожия» китобидан «Революция иблиси» сарлавҳали парча босилган. Мазкур парчада Сталин ва Троцкийнинг ўзаро муносабатлари ҳақида ҳикоя қилинади.

«Бўридек гажирдим бюрократизмни...»

сарлавҳали туркум материалларда «Правда» газетаси қардош социализм мамлакатларининг бюрократизм ва расмийчиликка қарши кураш борасидаги тажрибаларини ҳақида ҳикоя қилади.

«Известия» газетасининг учинчи саҳифасида босилган юрдики хизмат мақолада кооперативларнинг статуси ҳақида фикр юритилади.

«Правда» газетаси «Иттифоқдош республикаларнинг бир кун» рубрикаси бўлиги туркум материалларда Арманистон ССР ҳаёти билан таништиради.

Бугун Тошкентда ягона сиёсий кун бўлиб ўтмоқда

У «Озиқ-овқат Программасини тезроқ бажарайлик» деган мавзуга бағишланган.

ЗАМОНДОШИМИЗ



Йиллар армони

Одам боласининг кўнглида армони бўлиши керак дейишади. Армони йўқ юрак эса юрак эмас, беармон умр ҳам камдан-кам учрайди, аслида йўқ бунақа умр. Армонли инсонларнинг ризқу тирикчилигини қадрига еттилади, улар учун ҳаёт ёб-чиш манба эмас, балки меҳру-оқибат, дилдошлик, дилдорлик сабабидирки, бундайин хислатлар ҳаёмага ҳам насб этавермайди. Бошдан кўп савдоларини ўтказган инсонларга кўпгина «кўпни кўрган» деб тавсиф беришади. Бундай инсонлардан тажриба, ҳаёт тарзину оқибатли бўлиш илминини ўрганиш мумкин. Улар одам боласига ўқинчи бир эпкинга қарагандай эмас, балки ганимат бир дунёга, меҳру муҳаббат бўлогига қарагандай муносабатда бўлишади. Боз устига кўпни кўрган одам қирғин-барот урушларда, беомон жангларда қатнашган, не-не ўлимларини ўз кўзи билан кўриб, бошдан кечирган бўлса — ҳаётнинг, умри гузаронининг қадрини шундай инсонлардан сўраб.

Аъзам ака Пулатов Улуг Ватан уруши қатнашчиси, 1921 йилда Тошкентда туғилган. Аввал педагогика техникуми, сўнгра педагогика институтини битирган. 1941 йилда уруш бошлангачи билан иккитрий равишда фронтга жўнатиб, Гаврий-шимолий фронтларда, Калинин фронтларида жанг қилган, Истра-Волоколамска душман

мудофасини ёриб ўтишда яраланган, 1943 йилда Истра, Волоколамска, Тула, Вязма шаҳарларини озод қилишда яна жароҳатланади. Госпиталда даволангач Тошкентга қайтади. Ўқитувчилик қилади.

Мана, 50 йилдирки у ҳамон шу касбини ардоқлаб келмоқда. I ва II даражали Ватан уруши ордени, «Жасурий учун» медали сингари нишонлар билан тақдирланган. Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси, меҳнат ветерани Аъзам ака Пулатов ҳозир ҳам ёш авлод тарбиясида ўзининг беназир улушини кўриб келмоқда. Кўнгли ҳам, турмуш ҳам бут бўлсин, фарзандлар камол топсин, эл-юрт суйган инсонлар бўлиб етишсин дейди у киши. Ёшлиги оловлар, сурунларда ўтган бу инсоннинг қиёфасида йиллар армонини кўриш мумкин. Бу армоннинг жиддий унга жуда яқин таниш. Баъзан тушларда жанг манзаралари қиради, тонгача уйқуси келмайди. Ўйлайди, қийналади. Бироқ юпани ҳам бор. Ҳеч бўлмаганда пойтахтнинг 73-ўрта мактабда ўқитган ўғил-қизлар унга далда беришади. Йиллар армони фарзандлар келажига йўғрилиб кетса агар, бу ҳам бир юпанчада...

© СУРАТДА: Аъзам Пулатов.

Р. Шарипов фотоси.

Фойдали қурилма Мусобақа шарофати

Бадий буюмлар фабрикасининг наштачилик цехида самарали меҳнат қилиб жамоат ишларида актив қатнашиб келётган комсомол-ёшлар кўп. Масалан, Халима Шоаббарова етакчилик қилаётган наштачилик бригадасида Сафод Одинова, Мақтуба Рустамова, Сафод Каримова каби ёшлар яхши ишлари эвазига бир неча марта мукофотланган. Наштачилик цехида 8 бригада меҳнат қилади. Бу бригадалар орасида ўтказилган социалистик мусобақа натижаларига кўра ҳамма кўрсаткичлар бўйича Халима Шоаббарова бошлиқ бригада голубник қилаётган. Биринчи ўринни олгандилари тугайли бригада аъзолари 378 сўм пул мукофоти олишга сазовор бўлишди.

Ишчиларнинг кўнглини дам олишлари учун фабрика маъмурияти барча кулайликларини яратган. Бригада бошлиғи Халима Шоаббарова 1987 йилда Мароқко, Тунис, Ливияда, ўтказилган Ўзбекистон кулларида қатнашган. КПСС аъзоси Сафод Каримова ёшлар фестивали делегацияси қатнашчиси. У Халқаро ёшлар «Спутник» ташкилоти йўлнамаси билан Хиндистонда бўлди. Бригада аъзолари 91 ишчидан иборат бўлиб, улар болалар, Орол, тинчлик фондлари учун бир кунилик иш ҳақларини ўтказишган.

Н. МИРЗАКАРИМОВА.

Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

Маънавий соғломлаштириш йўлида

Бутуниттифок XIX партия конференцияси қайта қуришнинг оидин йўлини белгилаб берди. Совет кишилари конференция қарорларини ҳайрихоҳлик билан қўлиб олдилар. Шу кунларда бўлиб ўтаётган партия гуруҳлари ва бошланғич партия ташкилотларидаги ҳисобот-сайловларда ҳам конференция қароридан келиб чиққан ҳолда ошқора, ўз-ўзини танқид руҳида ўтмоқда.

Тошкент шаҳар прокуратурасининг жиний ишлари ва граждандик ишларни судда кўришда назорат қилиш, совет қонунларини пропаганда қилиш ва система-лаштириш, озолиқдан маҳрум қилинганларни жойда қонуни қандай бажарилаётганини назорат қилиш бўлиmlарининг бирлашган партия гуруҳида ўтган ҳисобот-сайлов йиғилиши ҳам қайта қуриш талаблари даражасида қизгин, жанговар руҳда ўтди. Партгруппа секретари Н. Турсунметовнинг доклады гоят таъсирчан бўлди. У ўтган давр мобайнида қилинган ишларни чуқур таҳлил қилди, камчиликларни рўй-роҳ оқиб ташлади, пассив коммунистларни танқид қилди. Шунинг учун ҳам доклады юзасидан бўлган мунозара қизгин баҳс, тортишувга айланиб кетди.

Тўғри, илгарилари ҳисобот-сайлов йиғилишлари номинатига ўтарди. Тўлланганлар «Сен менга тегма, мен сента тегмайман» қабилида, оғизларига талқон солиб ўтиришарди. Бу сафар бундай бўлмади. Коммунистлар чинакамга, коммунистчасига гап-лаш олдилар.

КПСС XIX Бутуниттифок конференциядан кейин ишмизни қайта қурдик, — деди партгруппа секретари ўринбосари, бўлим прокурори В. Жаваков. — Ўз ишини ошлай олмаётган, пассив коммунистлар оқиб-оидин танқид қила бошладик. Ошқоралик, демократия қарор топти. Тергов ишлари сифатини ошириш мақсадида ёш терговчилар билан семинар машғулотларини ўтказиш яхши самара бериляпти. Лекин кўчма йиғилишларимиз кам бўляпти. Жиноят содир этилган жойларда кўпроқ ишларни кўриш керак. Партияга қабул қилиш бўйича ҳам ўз фикримни айтмоқчиман. Бунда ҳеч қанақа анкета бўлиш шарт эмас. Агар ҳодим ўзини партияга киришга тайёр деб ҳисоблар экан, у бошланғич партия ташкилотига ариза бериши ва коммунистлар ўзини фаолиятга тегишли баҳо беришлари керак...

Маълумки, кейинги пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари шаънига ҳам ҳақли эътирозлар билдирилди. Кўпгина жиний ишлар оқилмай қолди, чўзилиб кетди, чуқур текширилмади, вақтида қўрилмади, айби йўқ кишилар эса сарсон-саргардон қилинди.

— Менинг назаримда, — деди шаҳар прокурори ўринбосари, коммунист М. Мирзаев, — иш сифатини оширишимиз керак. Ҳали ишмизда камчиликлар кўп. Кўпгина коммунистлар ҳалигача ўз ишларини қайта кўриб олганлари йўқ.

Биз ақсарият қонунга хилоф ҳуқмлар ва қарорларнинг прокурорлар раддияси билан бекор қилинишига эришганимиз йўқ. Аслида қонунга хилоф ҳуқм ва қарорларнинг 80 процентдан зиёди томонларнинг аризаси бўйича бекор қилинади. Тергов изоляторларида ҳам камчиликлар кўп. Уларда маҳбуслар соқчи кузатувда ушлаш муддатлари узайтирилмай сакланади. Кўпгина тергов изоляторларида шахсининг ҳуқм қилинганлигини хабар қилиш

майди, бошқа жойга ўтказиш ҳақидаги ҳужжатларни ўз вақтида жўнатмайдилар. Жиний ишлар юзасидан тергов олиб боришда сансалорликларга йўл қўйилади. Маркованинг ишида ҳам жиддий камчиликлар мавжуд. Пропаганда ишлари паст даражада. У Бутуниттифок XIX партия конференцияси ва КПСС Марказий Комитетининг сўнги Пленумлари қарорларини тушунтириш бўйича активлик кўрсатиши лозим...

Ҳозирда ўтказилаётган ҳисобот ва сайловлар гоятда катта аҳамиятга эга. Айниқса унда коммунистларнинг жонқур етакчиларини тўғри сайлай билиш мумкин. Чунки у ўз ортидан бошқаларни эргаштира билиши, партия қарорларини амалга оширишга бошқаларни даъват этиши керак. Чунки вақт бошлангич партия ташкилотларидан авангардлик қилишни талаб этмоқда.

— Ўтган йилга нисбатан нималарга эришдик? Ҳар ҳолда олға сийлаш бор, — деди Тошкент шаҳар прокурори ўринбосари Э. Иномжонов. — Партгруппамиз бугунги кун талабларига асосида ишлашга ҳаракат қияляпти. Ҳар бир коммунистга нисбатан талабчанлигини ошириш зарур. Уларга кўпроқ партиявий топшириқлар бериш керак. Ваҳоланки, кўпгина коммунистлар сонда қолиб кетаяптилар...

Мунозара қизгин тус олди. Сўз олган коммунист А. Собиров, Ш. Кафизов, пенсияер Н. Козлов ва бошқалар ҳам камчиликлар тўғрисида ошқора гапирдилар.

Тўғри, партгруппамиз томонидан анчагина ишлар қилинди, — деди шаҳар прокурори катта ёрдмачиси С. Хавкина. — Аммо унинг ишида ҳали камчиликлар кўп. Ҳисобот даврида кўпи билан 60—70 процент коммунистларнинг Устав талабларини қандай бажараётганликлари тўғрисидаги ҳисоботини эшитиш керак эди. Бор-йўғи уч кишини эшитибмиз. Бу кам. Мен раислик қилаётган аттестация комиссияси ишида ҳам камчиликлар бор. Мен ана шу комиссиянинг раиси сифатида ўз ишмиздан қониқмаётман. Талабчан эмасмиз. Биз ўз вазифамизни бажариш билан бирга жамоатчилик топшириқларини ҳам бажаришимиз керак. Бир мисол, аттестация комиссияси коммунист Аббосовнинг фаолияти билан танишди. Унинг жамоатчилик ишларида мутлақо қатнашмаслиги маълум бўлди. Партия топшириғига эга эмас. У ҳеч қачон партия йиғилишларида сўзга чиқмайдди. Биз унга сиёсий ўқиш пайтида иқтисодий мавзуда лекция ўқишни топширдик. Қаранг, у бу вазифани тупта-тутук уудаллади. Бўларканкў! Партия гуруҳи коммунистларнинг кўпроқ жамоатчилик ишларига жалб этиши лозим, деб ўйлайман...

Партгруппа секретари М. Турсунметовнинг докладыни эшитиб, муҳокама қилган коммунистлар унинг ишини қониқарли деб топдилар. Бир овоздан М. Турсунметов партгруппа секретарилигига сайланди.

Қайта қуриш ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари олдига ҳам катта вазифаларни қўйляпти. У ҳам бўлса жамиятимизни маънавий соғломлаштиришдир. Совет жамияти қонуналарини, граждандарнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, жиноятчиликнинг олдини олишга даъват этилган қонунимиз посбонлари бунга унутмасликлари лозим.

Т. ТОШЕВ.

«Тошкент оқшом» мухбири.

Газета—газетхон—газета

«Тошкент оқшом» — 1989 йилда

Азиз оқшомхонлар! Сизларга «Ишончли мулоқот» анкетаси тарқатилгандан хабарингиз бор, албатта. Унда «Тошкент оқшом» 1989 йилда қандай бўлишини сизларнинг қимматли тақлиф, истак ва фикрларингиз асосида белгилаш ниятида эканлигинимизни билдирган эдик. Сизлардан қўйидаги анкета саволларига жавоблар олдик.

1. СИЗГА ГАЗЕТАДА БЕРИЛАЁТГАН ҚАЙСИ ЙУНАЛИШДАГИ МАТЕРИАЛЛАР КЎПРОҚ ҲАҚИДА ВА ҚАЙСИ МАТЕРИАЛЛАРДАН КЎНГЛИНГИЗ ТУЛМАЯПТИ?
2. СИЗНИНГЧА, ГАЗЕТАДА ҚАЙТА ҚУРИШ МАВЗУИДА БЕРИЛАЁТГАН МАТЕРИАЛЛАР МАЪМУНИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ УЧУН НИМАЛАР ҚИЛИШ КЕРАК?
3. «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ҲАР ОҚШОМ ҲАМРОҲИГИНИЗ БУЛАДИМИ? ОУНА БУЛИШДА ҚИЙНАЛМАЙМИЗМИ?
4. 1989 ЙИЛДА «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» СИЗНИНГ ТАССАВУРИНГИЗДА ҚАНДАЙ БУЛИШИ КЕРАК?

Кўпчилик оқшомхонлар — «Ишончли мулоқот» мухлислари юқоридаги барча саволларга бажонидил, батафсил ва қизиқарли жавоблар йўллади: уларнинг бир қисми ўз истак-хоҳишларини телефон орқали, бошқалари эса хат орқали йўлладилар.

Авалло, шунинг таъкидлашга истардикки, «Оқшом» ни келгуси йили бундан ҳам қизиқарли, маъмули ва ҳар бир сонини рап-баранг тайёрлашимизда газетхонлар маънафаатдорига эмас, балки бунга шахсан ҳисса қўишиш

тиёққилар. Бу бизни қувонтирди. Иккинчидан, уларнинг кўнглироқ ва хатлари Бутуниттифок XIX партия конференцияси Резолюциялари руҳида бўлганини айтиб ўтиш керак! Улар тор, «шахсий» масалалар эмас, балки барча ҳамшаҳарларимизни қизиқтираётган социал муаммоларни ўртага ташлашганини, бу кўпчилик мухлисларимизнинг савияси ошганини, улар барча газета ва журналлар фаолиятидан яхшигина хабардор эканликларида далолат бериб турибди. Учинчидан, газетамиз мухлислари тобора ошиб бораётганини, уларнинг сафи кенгаётганини қувончлидир. Фақат пойтахт аҳолиси вакилларида эмас, балки республикамизнинг бошқа област ва шаҳарларидан ҳам хат ва телефон орқали саволларимизга жавоблар олдик.

Қисқаси, турли соҳа, турли касб ва ёшдаги газетхонларнинг фикр-мулоҳазалари редакция коллективи учун мароқли бўлганини ишчириб ўтирмаймиз. Уларда тилга олинган ҳамма фикрлар ва етилган муаммолар келгусида албатта нобатга олинади.

Келинг, қадрли газетхонлар, «Ишончли мулоқот» мухлисларининг анкета саволларига жавоблари билан сиз ҳам танишиб қийннг, сизда ҳам газетамизнинг маъмулини бойитишга ёрдам берадиган фикрлар уйғонар. Ундай бўлса олдиндан ташаккур билдирамиз: Сизнинг кўнгиригингиз ёки хатингизни кутамиз.

© («Ишончли мулоқот»нинг анкета саволларига жавобларини, «Оқшом» мухлисларининг илтимосларига биноан тайёрланган бошқа материалларни газетамизнинг иккинчи, учинчи ва туртинчи саҳифаларида ўқисиз).

Тошкент—жаҳонга

Институт ёрдами тугайли

© Афғонистон Республикасида халқ ҳўжалигини ривожлантиришда совет мутахассислари яқиндан ёрдам бермоқдалар. Мамлакатнинг шаҳарларини газлаштириш борасида ҳам кўп ишлар қилинмоқда.

Шу ўринда Ўрта Осиё давлат Газ саноати илмий-текшириш ва лойиҳалаш институти коллективининг хизматини алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиздир. Муассасанинг бир гуруҳа лойиҳачилари яқинда Қўбоддан қайтиб келдилар. Улар республика аҳолисини «зангори олов» билан таъминлашга қийиндан ёрдам бериб, йирик мўнаж ишларини бажардилар.

Афғонистоннинг Шевиргон ва Мозори Шариф шаҳарларига газ қувурлари ўтказилди. Натияжада 25 километрлик газ қувурининг биринчи навбати тўла ишга тушарилди. Шу билан бирга афғон мутахассисларига қатор лойиҳалар тақдим этилди.

Ҳозир минглаб хонадонлар «зангори олов»дан фойдаланишга ўтдилар.

Аҳоли эҳтиёжини кўзлаб

© «Ўзгипрогаз» лойиҳачилару институти шу йил ўз-ўзини маблаг билан таъминлаш ва тўла ҳўжалик ҳисобига ўтган эди. Ҳозир янги ҳўжалик ҳисобига ишланган корхонанинг иккинчи-техник ҳодимлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан юксакроқ меҳнат унвдорлигига эришиб, меҳнат қилмоқдалар.

Институтнинг лойиҳа бош инженери В. П. Дорофеев раҳбарлигида Қозғистон ССРнинг Георгиевка шаҳрида қуриладиган автомашиналарни суялтирилган газ билан таъминлаш станцияси лойиҳаси ишлари тугатилмоқда.

Бу станция бир суткада 250 автомашинага газ билан таъминлаш кучига эга. Худди шундай газ тўлдирини станциялари Қирғизистоннинг Сукумук ва Қозғистоннинг Каскелен шаҳарларида қуриладиган бўлади.

Бундан ташқари партия ва ҳўкуматимизнинг 2000 йилгача ҳар бир совет оиласини алоҳида уй-жой билан таъминлаш каби социал ҳўжжатида муҳим даъватини қўллаб-қувватлаб, институт инженер-техник ҳодимлари бу борада ҳам қатор ишларини амалга оширмоқдалар.

Жами 160 хонадонга мўлжалланган 6 та уй-жой лойиҳа-смета ҳўжжатлари ишланмоқда. Бу янги уй-жойлар пойтахтнинг Г-9 микрорайонда қурилади.

Д. РАҲМОНОВ.

Украин телевидениесидан—

ўзбек фильми

© Ўзбек киноусталари томонидан яратилаётган фильмларнинг ақсарияти йиллик экранларига чиқарилиб, муваффақият билан намоиш қилинмоқда. Ишлаб чиқариш ишларини бағишланган постановка қилинган ленталар ҳам қардош республикалардаги минг-минглаб томошабинларга манзур бўлмоқда.

«Сувлар тоққа оқмоқда» ҳўжжати фильм украин биродарларимиз эътиборига ҳавола этилди. Ўзбек миришкор деҳқонларининг қаҳрамонона меҳнатига бағишланган ушбу лента Украина телевидениеси орқали кўрсатилди.

Украина телевидениеси яқинда «Қардош республикалар киноагидилари» деган туркум кўрсатуларини ташкил этди. Ушбу кўрсатунинг серкўш республикамизга бағишланган программасига юқорида айтиб ўтилган ҳўжжати фильм ҳам киритилди.

С. ОДИЛОВА.



ДИҚҚАТ!

ВОДОПРОВОДЛАР ВА ВОДОПРОВОД ТАРМОҚЛАРИДА РЕМОНТ-ПРОФИЛАКТИКА ИШЛАРИНИ УЎТҚАЗИШ, ШУНИНГДЕК, 1988-1989 ЙИЛГИ КУЗ-ГИ-КИШКИ ДАВРДА ИШЛАШГА ТАЙЯРГАРЛИК МУНОСАБАТИ БИЛАН

«ВОДОКАНАЛСТРОЙ»

ШАҲАР ВОДОПРОВОД АБОНЕНТЛАРИГА ВОДОПРОВОД ТАРМОҚЛАРИДА СОВУҚ СУВ БЎЛМАСИНИ ВА СУВ БОСИМИ ПАСАЙИШИ МУМКИНЛИГИНИ

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

12 СЕНТЯБРЬ СОАТ 9 ДАН 13 СЕНТЯБРЬ СОАТ 9.00 ГАЧА.

Қўйлиқ массивида сув босими қисман пасаяди. 15-шаҳар қасалхонасида ва Новомосковская кўчасига туташ турар жой массивларида сув босими пасаяди.

«Измайлово» массиви, 17-поликлиника, Геологическая ва Новомосковская кўчаларида сув бўлмайди. Қорақамий — 1/4, 2/3, 2/4 массивларида, Шумилово станциясида (турар жой секторида ҳам), Ленинчи кўчасида ва унга туташ массивларида сув босими пасаяди.

Шумилой сановат зонаси, Иброҳим ота, Металлистлар кўчалари ва уларга туташ турар жой массивларида сув бўлмайди.

13 СЕНТЯБРЬ СОАТ 8.00 ДАН 14 СЕНТЯБРЬ СОАТ 9.00 ГАЧА — 13-шаҳар қасалхонаси ва Новомосковская кўчасига туташ турар жой массивларида сув босими пасаяди.

«Измайлово» массиви, 17-поликлиника, Геологическая ва Новомосковская кўчаларида сув бўлмайди. Марказ-1, Марказ-2, Лоҳутий, Полторацкий, 2-Охунбобоев кўчаларида, шунингдек Фрунзе районидagi мазкур кўчаларга яқин жойларда, Чилонзор массиви кварталларида, Гафур Гулом ва Ҳ. Турсунқулов кўчалари зоналарида сув босими пасаяди.

Чилонзор массиви, 1, 2, 3, 4-кварталлар, Домбиров, Пионер, Чилонзор кўчаларида, Муқимий, III. Рус-тавели кўчасида Чилонзор кўчасига бўлган масофада, Волгодарская кўчаси ҳамда юқорида кўрсатилган кўчаларга туташ барча турар жой массивларида сув босими пасаяди.

Тамбов, Фигурная, Саломатин, Набережная кўчалари, Чилонзор массивининг 4, 6-кварталлари, Хлопковая массиви — Абдуллаев, Стахановцев кўчаларида, шунингдек, юқорида кўрсатилган кўчалар яқиндаги турар жой массивларида сув бўлмайди.

14 СЕНТЯБРЬ СОАТ 9.00 ДАН 15 СЕНТЯБРЬ 9.00 ГАЧА — Островский, Гулнора, Сайфуллин кўчаларида, шунингдек, уларга туташ кўчалар ва турар жой массивларида сув босими пасаяди.

Черданцев-2 массивида сув бўлмайди. Марказ-1, 2, Лоҳутий, Полторацкий, 2-Охунбобоев кўчаларида, шунингдек, Фрунзе районидagi мазкур кўчалар яқинда, Чилонзор массиви кварталларида, F. Гулом ва Ҳ. Турсунқулов кўчалари зонасида сув босими пасаяди.

15 СЕНТЯБРЬ СОАТ 9.00 ДАН 16 СЕНТЯБРЬ СОАТ 9.00 ГАЧА — Ж. Обидова кўчасида, Энгельс кўчасида Ботаника боғида сув босими пасаяди. Тимирязев кўчасида, Ҳамза Ҳакимзода кўчасида Уриш, Кирова, Мазурун кўчаларига, ТИИМСХ ётоқхонаси, шунингдек, уларга туташ массивларида сув бўлмайди.

Шумилово шаҳарчасида, Ҳамза ва Ленин районларида сув босими пасаяди.

Ашрафий, Новий путь кўчалари атрофидаги турар жой массивларида сув бўлмайди.

Хлопковая, Абдуллаев, Стахановцев кўчаларида, шунингдек, уларга туташ кўчалар ва турар жой массивларида сув босими пасаяди.

Хлопковая массиви, Абдуллаев кўчаси, Тўқмачинлик институтида (ётоқхоналари билан), Саломатин кўчаси атрофидаги турар жой қурилишларида сув бўлмайди.

16 СЕНТЯБРЬ СОАТ 9.00 ДАН 17 СЕНТЯБРЬ 9.00 ГАЧА — Шумилово шаҳарчаси, Ҳамза ва Ленин районларида сув босими пасаяди.

Ашрафий, Новий путь кўчалари атрофидаги турар жой қурилишларида, шунингдек, уларга туташ турар жой массивларида сув бўлмайди.

ТЦ-8, Сергеев райониди, Октябрь ва Чилонзор районларида, У. Юсупов, Ново-Узбекистанская кўчалари атрофида, Халқлар дўстлиги проспектида сув босими пасаяди.

Марказ-13, 14, 15 да, У. Юсупов ва Ново-Узбекистанская кўчалари атрофидаги барча ташкилотлар ва турар жой массивларида сув бўлмайди.

СУВ БЎЛМАГАН ЖОЙЛАРГА СУВ ТАШИЙДИГАН МАШИНАЛАР ЮБОРИЛАДИ.

Справкалар учун телефонлар: 33-15-95, 33-75-95.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

ФРАНЦИЯ, ИТАЛИЯ ВА ЯПОНИЯДА МУВАФФАҚИЯТЛИ УТЎН ГАСТРОЛЛАРДАН СЎЎ

10 СЕНТЯБРДА

Машҳур маскарабоз, РСФСР халқ артисти Евгений МАЙХОРОВСКИЙ иштирокида

МОСКВА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

ИККИ БЎЛИМДАН ИБОРАТ КАТТА РАНГ-БАРАНГ ПРОГРАММА

ТОМОШАЛАР соат 19.30 да, шанба кунлари — соат 16, 19.00 да, якшанба кунлари — соат 12, 15, 18.00 да бошланади.

БИЛЕТЛАР ОЛДИНДАН СОТИЛМОҚДА.

Қишлоқ жойлардан келган томошабинларнинг ЗАЯВКАЛАРИ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ ҚАВУЛ ҚИЛИНАДИ.

Касса — соат 10.00 дан 20.00 гача, дам олиш кунларисиз ишлайди.

Справкалар учун телефонлар: 44-28-91, 44-28-04, 44-35-84.

АДРЕСИ — Карл Маркс кўчаси, Вақтин маълум қиламиз!

ШАНБА ВА ЯКШАНБА КУНЛАРИ КАРЛ МАРКС КЎЧАСИДА ҚУЙИДАГИ ТОВАРЛАРИНИНГ (турлари бўйича)

САВДОСИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

10—11 сентябрда — ХОТИН-ҚИЗЛАР ИЧ КИЙИМЛАРИНИНГ;

17—18 сентябрда — ЭРКАКЛАР ҚУЙЛАКЛАРИНИНГ;

24—25 сентябрда КУЗГИ ПОЯВЗАЛАРИНИНГ;

8—9 октябрда — ПАХТАКОРЛАРГА МУЛЖАЛАНГАН ТОВАРЛАРИНИНГ;

15—16 октябрда — ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚУЙЛАКЛАРИ, ТРИКОТАЖ БЎЮМЛАРИНИНГ;

22—23 октябрда — ЧИННИ, СИРЛАНГАН, СОПОЛ ВА ҲОКАЗО ИДИШЛАРИНИНГ;

САВДО ЯРМАРКАЛАРИГА ХУШ КЕЛИВСИЗ!

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ.

Телефон — 33-68-83.

«Союзторгсина» Бутуниттифок бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

«Тошкент оқшоми»га
обуна бўлдингизми?

«О АЗИЗ «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» МУХЛИСЛАРИ! Газетага шу йилнинг қолган ойларига ҳали ҳам обуна қабул қилинаётганини Сизларга эслатиб ўтамиз. Газетага истаган вақтингиздан истаган муддатга обунани расмийлаштиришингиз мумкин. Мисол учун, октябрь ойидан газета ўйингизга элтиб берилишини хоҳласангиз, обунани сентябрь ойининг 12-числосидан кечиктирмай расмийлаштиришингиз мумкин.

Шу билан бирга «Союзпечать» агентликларда, алоқа бўлимларида, корхона ва ташкилотларда, ўқув муассасаларида жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан «Оқшом» газетасига 1989 йилга обуна қабул қилинмоқда.

«Тошкент оқшоми» газетасининг индекси: 64690.

ОБУНА БАҲОСИ:

бир йилга — 7 сўм 92 тийин.

ярим йилга — 3 сўм 96 тийин.

уч ойга—1 сўм 98 тийин.



Бибилиска даромад—бошга маломат

И35—71 ТН номерли «Москвич — 412» машиниси Широка кўчасидан ўқдек ўтиб бораётган бир неча бор кўча қондасини бузди. Давлат автотранспорт хизматчилари дарҳол автомашинани тўтатишга уринишди. Ушар шофёр назоратчилар ҳаракатини назар-писанда қилиш машина тезлигини яна оширди.

«Маст. Агар тўтатишмасан, ҳозир бир фотка юз бериш табиики». Мана шу фоткада йўл назоратчилари машина оқсидан тўтишди. Лекин шофёр улар кузатиётганини эинкор-базишор билмаслигини керак. Акс ҳолда шовишмил, бир фалокатга йўл қўйиш аниқ. Машинани тезлиги борган сари ошиб боради, ҳатто у светорфор чирокларига ҳам рива қилмасди. Чоррақаларда йўл ҳаракатини ашаддий бузувчи ушбу номаълум «Москвич» дастидан қарама-қарши йўналишидан келаятган машиналарнинг балонлари аламли чинқириқ билан нола қиларди.

Нима қилмоқ керак! Сўнгги чора — машинанинг олдиндан кесиб чиқиш. Гарчи бу ҳаёт учун хавфли бўлсада, шундай қилмоқ керак. Ушар йўл билан машинани тўтатиб бўлмайди.

ГАИ ходимлари машинани қувиб ўтишди. Шофёр таъкибини сезиб, бироз ҳушёр тортиди. Навбатдаги чоррақда тезлигини бироз пасайтирди. Вақтдан фойдаланган ГАИ машинисини унинг олдиндан кесиб ўтди. «Москвич» четга бурилиб, кўча чеккасидagi ариқча тушиб қолди.

— Нима гап ўзи, тинчликчи! — Хужжатларингизни кўрсатинг.

— Нега оқсидан қувайсизлар! Бу қанақа қондубузарилик! Қани, ўзларингиз фамилияларингизни айтингларчи! Тасодифий талабдан ГАИ хизматчилари бироз эсанкираб қолди. Тортқушун ҳал этиш учун улар Киров район ички ишлар бўлими биноси томон йўл олишди.

Йўл шофёр мутлақо спиртли ичимлик ичмаган эди. Соғлиги ҳам яхши. Хужжатлар ҳам жойида. Мирҳамид Мирзахўжаев — 1958 йилда туғилган. Тошкент области Тошкент районига қарашли «Гулистон» кишлоқ Совети, Навоий кўчасидаги 8-уйда истиқомат қилади. Оиласи. Битта боласи бор. Киров райониди 5-ЖЭУ да дурад-гор бўлиб ишлайди. Ягона айби йўл ҳаракати қондасини бузгани, Мирҳамид қилишнинг тан олди. Инспекторлардан ўз сўради.

— Маросимга шовишмил кетаятган эдим. Кечкингилар акалар.

«Этилган бошини қилич кесмайди», мақолига асосан иш тутилди. ГАИ хизматчилари ва Мирҳамид ичкаридан чиқишди-ю, ҳайратдан ака ушлаб қолишди. Бино подъездига қолдирилган «Москвич» йўл эди.

Тўлаб берасизлар, вассалом. Мирҳамид «уф» тортиб зинага ўтириб олди. Инспекторларнинг боши қотди. Бу қандай гап эҳир! Қондубузар шофёрини баъзур ушлашса, ундан дакин эшитишса, «зиддинга ҳақ жойида қарор топиб», айбига қирор бўлганда мана буниси ўтиб тушди-ку!

Қизик, машинани ким ўтирилган бўлиши мумкин! Телефон сўзлашувлари, қидирувлар, ўзаро мулоқотлар шунинг кўрсаткичи, ҳозир шаҳарда факат «412» маркали «Москвич» машиниси ўтирилган иш олиб бораётган экан. Утган йилнинг июль ойидан то шу йилнинг апрелгача 16 та машина ўтирилган. Улар шаҳар-

нинг турли чеккаларидан гилдираксиз ва баъзи эҳтиёт қисилари ечиб олинган ҳолда топишган. Демак ушбу жиноят ҳам ушларнинг иши.

Навбатдаги «ўлка»ни қўлга тушириб қайтаган Гуломнинг ичига чироқ ёқса эримасди. Укаси нега оқсидан бормад экан! Демак бирор қор-ҳол бўлган аниқ. Бўлмасан ака-ука яхши келишиб олишганди. Гулом «Халқлар дўстлиги» кўчасидаги «Перспектива» магазини олдига қолдирилган «Москвич — 412» машинисини 1. миниб қондиди, укаси Мирҳамид унинг оқсидан борадиган бўлганди. Белгиланган жойда ярим соат кутди ҳамки ука-

«МОСКВИЧ»
ОПЕРАЦИЯСИ

ЕКИ АКА-УКАЛАРНИНГ ЖИНОЙИ
ҚИЛМИШЛАРИ.

сидан дарак бўлмади. Ака юраги така-пука бўлиб «ўлка» машинани миниб, укани излашга тушди. У Киров район ички ишлар бўлими биноси олдиндан ўтиб кетаятган, бирдан кўзи ўзининг и 35—71 ТН номерли машинисига тушиб қолди.

Масала равшан. Укаси қўлга тушиб қолди. Аммо машинани зудлик билан йўқотиш керак. Ахир унинг гилдираксиздан тортиб то моторгача бўлган эҳтиёт қисилар ўтирилган машинаники-ку! Агар машинани текшириб қолшса борми, тасом-вассалом. Кунин битди. Қармоқдан чиқиб кетишнинг битта йўли бор: ўзининг машинисини ўзи ўтирлаш керак.

У тағидидаги «ўлка»ни кўча чеккасидида қолдирди. Эҳтиёткорлик билан ўз машинисига яқинлашди. Биронта милиция ходими ҳаракатини кузатиб турмаганидан, деган мақсадда рўпарасидида кўп қаватли бинони юқори деразаларига бир-бир қараб олди. Осиёйишмил сез-гач, машина кабинисига оҳиста ўтир-гач, ун шиддат билан ҳайдади кетди. Кейин Калинин район территориясига ҳайдаб келиб машинадаги ўрмилк эҳтиёт қисиларини ечиб олди. Ҳозиргача омонга сепчигудек бўлиб турган машина бир зумда ўғри урган ҳовлидек шил-шийдан бўлиб қолди. Орадан кўп ўтмай «Йўқолган машина» Тошкент областининг Калинин район территориясидида бунёд этилётган янги қурилиш ёниндан топилиди.

Машина эгалари етказилган зарарини ундириб олиш учун ўша ГАИ ходимлари устидан бир неча бор шикоят қилдилар.

Хуллас, иш ҳамирдан қил сугургандек ўтди. Ёлмилк қозон яна ёлмилгича қолди. Ака-ука ўз айбикликлариға тан беришди. Қойна, неки милициянинг ўзини қайлашмасан, Лақиллатандам, ҳазилламоли! Бечоралар, «Йўқолган машина»нинг ҳақи чиндан ҳам бизнинг бўй-нимизга тушасайди», дея йўлаквериб, мижга қоқмай тунини тонгга улашди.

Хайрият, «ярим ялангач» бўлсада машина топилиб қолди.

Шундан кейин ака-ука ўзларини «қўлга тушмас қасоскорлардек» ҳис этишди. Эртасига гражданин Э. Мельгафга қарашли и 83-95 ЮК машиниси Навоий кўчасида турган жойида йўқолди. Индинига Луначарский шоссе марказидида «Газламалари» магазини қаршисидан гражданин Т. Каримовга қарашли 85 — 26 ТНР номерли машина олиб қочилди. Хуллас, ҳафта сайин шаҳарнинг турли чеккасидан «Москвич — 412» машиналари ҳайдаб кетилаверди.

Бирок ҳар бир ишининг ниҳояси бўлганидек, «Москвич» операциясига ҳам ниҳоясига етди. «Қинғир ишнинг қийини қирқ йилдан кейин ҳам очилганидек» ака-ука Гулом ва Мирҳамидларнинг иши бир йил ўтмай ниҳоясига етди.

Улар ўша кунин кечки соат бешга яқин Навоий кўчасидида «Оймома» боғи қаршисидида тўхташди. Шу чоқ гражданин А. Нельатов болаларини ўйнатиш учун боқча олиб келган эди. У машина эзинини қўлқаб, пастга тушиб кетгач, ука акасига ишора қилди. Гулом бегона машина ёнига яқинлашиб, тез ҳаракат билан унинг эзинини очди. Кабинига ўтириб моторни ўт олдири-да-машинани белгилангандек, Оркиониди-зе райони томонга ҳайдаб кетди. Мирҳамид ўғри мушукдек аланглаб унинг кетидан йўл олди. Улар нздан яна бир машина йўлга тушди. Шундай қилиб, ака-укалар жиноят устида қўлга олинидилар.

16 марта жиноят содир этилди ёки 16 та «Москвич — 412» машиниси ўтирилди. Уларнинг эгалари қанчалар жабрланди. «Машинам топирилгани» деган хабр билан мижга қоқмай тунини тонгга улашди. Ака-ука жиноятчилар машина эгаларига 7 минг сўмдан ортиқ зарар қолтиришди.

Биз юқорида оқшомхонларин жиноятчилардан бири Мирҳамиднинг иш жойи ва у истиқомат қилаётган уй адреси билан таништирган эдик. Унинг акаси Гулом эса 1952 йилда Тошкент областининг Тошкент районидида туғилган, шаҳар уй-жой бошқармасига қарашли 2-ремонт-қурилиш бошқармасида қурувчи бўлиб ишларди. У оиласи ва тўрт боласи билан Истикбол кўчасининг 1-туғидаги 8-уйда яшаган.

Ака-ука жиноятчилар илгари ҳам судланишган. Биргаликда қинғир ишга қўл уриб, ҳар бири беш йил муддатга озодликдан маҳрум этилганди. Афсуски, улар қилишларидан тўғри хулоса чиқаришмади. Қамқоқ топилиш ўтаб келгач, яна текни пул топиш йўллариин излашди. Енгил-опил ишга жойлашиб олиб, қўйил майлига берилишди.

Яқинда Киров район халқ судининг Р. Акбаров раскилида ҳайати бу жиноий иш юзасидан олиб боришган ўзининг бир ҳафталик иш фаолиятига яқин ясади. Ака-ука жиноятчиларнинг мол-мулки давлат ҳисобига мусодара қилинди. Гулом Мирзахўжаев эса 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Суд жабрланувчиларга етказилган зарарини жиноятчилар ҳисобидан қоплаш ҳақида ажрим чиқарди.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ,
«Тошкент оқшоми» мухбири.



Тошкент Давлат циркида «Интер-цирк-88» гастроллари давом этмоқда. Катта ва ранг-баранг программани тайёрлашда Болгария, Польша, Чехословакия, Монголия, ГДР ва



Совет Иттифоқи цирк санъати усталари қатнашди.
СУРАТДА: «Интерцирк-88» томошаларидан лавҳалар.
Р. Шарипов фотоси.



Редактор Т. М. ҚОЗОҚБОВ.

Китобсеварлар диққатига!

«ТАШКНИГА» шаҳар китоб савдоси идорасининг

17-«Обуна нашрлари»

магазини

ҚУЙИДАГИ НАШРЛАРГА

ОБУНА ҚИЛАДИ

ЕШ ОИЛА КУТУБХОНАСИГА, 4 томлик. Бай пули — 1 сўм.

Олдиндан рўйхатга ёзиш—1988 йилнинг 10 сентяб-рида соат 9 дан 16.00 гача, танаффуссиз.

Ютуқ 16.00 да ўйналади.

Ютуқли абонементларини бериш — 11, 12, 13 сентябр кунлари соат 10 дан 19.00 гача.

Ютуқли обуна ўйинида қатнашишни хоҳловчиларни рўйхатга ёзиш вақтини тезлатиш ва қисқартириш учун ўзининг билан паспорт (маҳаллий прописка билан) ва почта ошратқасини олиб келишингизни сўраймиз. Почта ошратқасида уй адресингиз, фамилиянгиз, исмингиз, ва отангизнинг исми аниқ кўрсатилган бўлиши керак.

Юқорида кўрсатилган нашр бир оилга биттадан ёзилади.

Улуғ Ватан уруши қатнашчилари 1988 йил 10 сентябрдан шахсий гувоҳномалари бўйича навабдан ташқари рўйхатга ёзилиш ҳуқуқига эгалар.

УЛУҒ ВАТАН УРУШИ ИНВАЛИДЛАРИ УЧУН РЎЙХАТГА ЁЗИШ 1988 ЙИЛ 11 СЕНТЯБРДА СОАТ 10 ДАН 12.00 ГАЧА ЎТҚАЗИЛАДИ.

ЮТУҚ 12.00 да ўйналади.

УЛУҒ ВАТАН УРУШИ ИНВАЛИДЛАРИ ЮТУҚЛИ АБОНЕМЕНТЛАРИНИ БИР ҲАФТА ДАВОМИДА ОЛИШ ҲУҚУҚИГА ЭГАЛАР.

ОБУНАЧИЛАР УЧУН ОБУНА НАШРЛАРИНИНГ ҚУЙИДАГИ НАВБАТДАГИ ТОМЛАРИ БЕРИЛАДИ:

И. БУНИН — 5, 6-томлар.

Э. БАЗЕН — 1, 2-томлар.

А. ВИНОГРАДОВ — 1, 2, 3-томлар.

И. ЕФРЕМОВ — 4-том.

В. КЛЮЧЕВСКИЙ — 3-том.

ЖАХОН ХАЛҚЛАРИ МИФЛАРИ — 2-том.

МЕЛВИЛ — 3-том.

ҚУЙИДАГИ ТОМЛАР СОТИЛАДИ:

ИНГЛИЗЧА-РУСЧА ЛУГАТ, 2 томлик.

АФРИКА. ЭНЦИКЛОПЕДИЯ, 2 томлик.

А. С. ПУШНИН. 3 томлик асарлар тўплами.

В. МАЯКОВСКИЙ. 2 томлик асарлар тўплами.

Справкалар учун телефон: 44-57-41.

ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА
ПОЙТАХТИМИЗ МЕХ-
МОНЛАРИ ДИҚҚАТИ-
ГА!

8-«ДРУЖБА»
МАГАЗИНИ
10 СЕНТЯБРДА

СОЦИАЛИСТИК МАМ-
ЛАКЛАТЛАР НАШРИ-
ЕТЛАРИНИНГ

НОТАЛАРИ

САВДО - КУРГАЗМАСИ-
НИ ЎТҚАЗАДИ